

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2020 йил “26” декабрдаги  
28/24 - сонли қарорига  
3 - илова

## **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши Комплаенс-назорат тизими тўғрисида**

### **Н И З О М**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур низом Марказий банк тизимида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бошқариш мақсадида, Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашиш ҳамда Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, аниқлаш ва бошқариш Сиёсатлари доирасида ишлаб чиқилган.

2. Низомда фойдаланиладиган тушунчалар:

**коррупцияга қарши комплаенс-назорат** (кейинги ўринларда – комплаенс назорат) – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, аниқлаш ва бошқаришнинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ҳамда самарадорлигини мониторинг қилиб боришни мужассам этган фаолият.

**Коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма** – Марказий банк тизимида комплаенс-назоратни ташкил этувчи ва мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинма.

#### **II. Коррупцияга қарши комплаенс назорат иштирокчилари**

3. Марказий банкда ташкил қилинган коллегиял органлар (Банк назорати кўмитаси, комиссиялар ва бошқалар) раҳбари ва аъзолари:

коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда коррупцияга қарши курашиш принципларига, ички меъёрий ҳужжатлар ва иш юритиш қоидалари талабларига риоя этади;

коллегиял органда кўриб чиқиладиган масалага нисбатан манфаатлар тўқнашувига йўл қўймайди;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилиш қоидаларига риоя қилади;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд бўлганда, тегишли масала муҳокамасида ва овоз беришда иштирок этмайди;

коррупция, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келганда ёки шубҳали ҳолатларда коллегиял орган йиғилишида коррупцияга қарши комплаенс-назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма раҳбари иштирокини таъминлайди.

4. Марказий банк марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бош бошқармалар ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари:

бевосита бўйсинувидаги таркибий тузилмалари ходимларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз ижро қилишга йўналтиради, бу борада шахсий намуна кўрсатади;

лавозим (ходим)лар ваколатлари доираси, вазифа ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда коррупция, манфаатлар тўқнашуви хатари юқори бўлган фаолият ва иш жараёнларини кузатиб боради;

коррупция, манфаатлар тўқнашуви хатарини камайтиришга қаратилган чоратadbирларни ўзининг раҳбарлигидаги таркибий бўлинмада амалга оширишга масъул бўлади;

ходимларни коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, аниқлаш ва бошқариш сиёсатлари, одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар талаблари билан таништириб боради;

тегишли таркибий бўлинма зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳар бир ходимнинг иштироки чегараларини аниқ белгилайдиган лавозим вазифаларини ишлаб чиқади, уларга риоя этилишини таъминлайди ва такомиллаштириб боради;

тегишли таркибий бўлинмада рухсат бериш ёки назорат процедураларига оид иш жараёнларини ташкил қилиш ва амалга оширишда, қарорлар қабул қилишда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун масъул ҳисобланади.

5. Марказий банк тизимидаги барча ходимлар:

ўз лавозим вазифаларини амалга оширишда коррупция ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлайди, ушбу масалалар бўйича коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма билан ҳамкорлик қилиб, кўмак беради;

Ўз вазифаларини амалга оширишда коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига олиб келадиган хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини чеклайди;

Ўз лавозим вазифаларини амалга оширишда Марказий банк назорат қилиши лозим бўлган кредит ташкилотлари, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари, кредит бюролари ва банклар гуруҳининг ҳамда ҳамкорларининг қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймайди;

коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид қонун ҳужжатлари, Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари, одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланган талабларга қатъий амал қилади;

коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича ўқитиш дастурларида иштирок этади.

### **III. Коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга ошириш тартиби**

6. Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашда;

харидларни амалга ошириш жараёнларида;

рухсат бериш ва назорат процедураларини амалга оширишда;

назоратдаги ташкилотларга нисбатан санкциялар ва чораларни қўллашда;

бошқа функцияларни бажаришда.

7. Коррупцияга қарши комплаенс-назорат қуйидаги тартибда амалга оширилади:

*а) назорат қоидаларини ўрнатиш:*

Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича тартиб қоидаларини ишлаб чиқиб жорий этиш ва уларни такомиллаштириб бориш;

ходимларнинг касбий фаолиятида одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш ҳамда жорий этиш;

ходимларни коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатлари, тартиб қоидалари тўғрисида, улардаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, сиёсатнинг қўлланилиши юзасидан тренинг, семинарлар ўтказиш ва тегишли маслаҳатлар бериб бориш;

коррупцион хавф-хатарларни камайтириш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини белгилаш ва уларнинг устидан тизимли мониторинг олиб бориш.

*б) маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш:*

фаолият юритишда таркибий бўлинмалар, бошқа ташкилотлардан ҳамда оммавий ахборот воситаларида берилган коррупцион ҳолатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарларни жамлаш, ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш.

*в) коррупция билан боғлиқ хавф-хатарларни баҳолаб бориш;*

коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш;

Марказий банкнинг функцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни танлаб олиш ва алоҳида мониторинг ўрнатиш;

иш юритиш жараёнлари, ички тартиб қоидалар ҳамда лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнларида коррупциявий омилларни аниқлаш, уларни юзага келиш эҳтимолининг юқорилиги бўйича саралаб олиш, саралаб олинган коррупцион хавф-хатарлар даражасини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

*г) мониторингни амалга ошириш:*

Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга доир умум қабул қилинган халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари, ички меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши аҳволини мониторинг қилиб бориш;

коррупцион хавф-хатарлар юқори деб топилган соҳаларда рухсат бериш ёки назорат процедураларига оид иш жараёнларини ташкил қилиш ва амалга оширишда, қарорлар қабул қилишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаганлигини мониторинг қилиб бориш;

комплаенс назорат натижалари бўйича Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш самарадорлигини ошириш юзасидан коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма томонидан Марказий банк раҳбариятига таклифлар киритиб бориш.

8. Марказий банк тизими ходимларига нисбатан коррупцион ҳуқуқбузарликлар юзасидан шубҳали ёки аниқ ҳолатлар тўғрисида олинган хабар бўйича ҳолатни аниқлаштириш талаб этилганда коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма томонидан тегишли

мутахассислар жалб қилиниб, барча ҳақиқий ҳолатлар/маълумотлар синчиковлик билан аниқ фактларга асосланган ҳолда тўлиқ ва холисона ўрганилади. Ўрганиш натижаларига кўра, қонун ҳужжатларида ҳамда ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибларга мувофиқ чоралар кўриш юзасидан Марказий банк раҳбариятига таклифлар киритилади.

9. Юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинмага хабар келиб тушганда, уни бошқаришга оид чоралар ходимнинг раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади. Зарур ҳолларда, чора белгилаш ҳақидаги масала Одоб-ахлоқ комиссияси муҳокамасига киритилади.

#### **IV. Коррупцияга қарши комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

10. Комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма Марказий банкнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бош бошқармаларидан, тасарруфидаги ташкилотлардан, уларнинг ходимларидан, шу жумладан, Марказий банкнинг ахборот тизимларидан ва хавфсизлик тизимларидан маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

11. Комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма Марказий банкнинг барча коллегиял органлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

12. Комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма Марказий банкнинг таркибий бўлинмалар ва ҳудудий бош бошқармаларидан, тасарруфидаги ташкилотлардан, уларнинг ходимларидан ва бошқа манбалардан коррупцион ҳолатлар ҳақидаги хабарлар алмашинуви каналларини жорий этади ҳамда уларнинг доимий равишда ишчи ҳолатда бўлишини таъминлайди, хабарларни иш юритиш қоидаларига мувофиқ ҳолда қайд қилиб боради.

13. Коррупцион ҳуқуқбузарликлар юзасидан шубҳали ёки аниқ ҳолатлар тўғрисида хабар берган ходимлар шахсини ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

#### **VI. Яқуний қоидалар**

14. Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бош бошқармалари ва уларнинг ходимлари уларга маълум бўлиб қолган ҳар қандай коррупцияга оид ҳолатлар ҳақидаги хабарларни комплаенс назоратни амалга оширишга масъул таркибий бўлинмага ўз вақтида узатиб боришга масъул ҳисобланади.